

Тоҷик адабиёти
бўстони

Фарзона

***Ғазаллар
гулдаси***

Ғафуров-2016

Тоҷик адабиёти
бӯстони

Фарзона

Ғазаллар гулдасласи

Ғафуров-2016

ББК-84.

Фарзона, Тоҷикистон халқ шоири. Ғазаллар. Хужанд.
2013. 56 6.



Таржимон Шариф Нуриддин
Мухаррир Мунаввара Абдурахим
Терувчи ва саҳифаловчи Жамшид Исмоилзода

Академик Бобожон Ғафуров республика музейи.

Фарзона, 2016.

Темиртанин инсонга айлантирган шоира

«Бу шоир менинг коним билан сўзлайди, мен бир темиртанга, жонли мавжудотга дўниб колгандим, унинг шеърларини ўқиганимдан сўнг иккинчи марта инсон ҳаётига қайтдим, у мени болалик пайтимдаги энг гўзал оламга қайтарди». Бу сатрларни Буюк Британиянинг Бирминҳем шаҳрида яшайдиган бир инглиз киши ёзиб қолдирган. У буюк шоира Фарзонанинг шеърларини инглизча таржимасида ўқигандан сўнг ўзида пайдо бўлган, ҳатто ўзи ҳам қутмаган ижобий ўзгаришлар таъсирида, дунёнинг қайси халқи тилига таржима қилинмасин, ўша халқни таъсирига оладиган, айтиш мумкин бўлган муносабат уйғотадиган жаҳоний шеър таъсирида бу сатрларни битган.

Бундай олиб қараганда, биров киборрок, биров совуқрок, замонавий техника ва технология ривожланиб кетган мамлакатда шеърга бундай муносабатни кўрган, эшитган, ўқиган ҳар бир шарқлик инсон у шеърларни битган шоир билан фахрланади. Инглиз шеърхон Фарзонанинг шеърини таржимада ўқибди, асл нусхада ўқиганда не ҳолга тушган бўларди, деган фикр кечади, ўз-ўзидан.

Мен ҳозир бундан деярли олти йил бурун кечган воқеаларни ёзганман. Ўшанда Буюк Британияга дунёнинг беш қитъасидан энг кучли деб топилган беш шоир таклиф этилган эди. Бу беш катта шоирнинг биттаси бизнинг Фарзона эди.

Ўша сафар борасида суҳбатлашганимизда, Фарзона шундай эслаганди:

«Англия ва Уэлснинг бир қатор шаҳарларида бўлиб ўтган учрашувларда аввал менинг шеърларимни инглиз тилида ўқишди, ортидан мен бу шеърларни тожик тилида ўқидим. Шеър эшитиб ўтирган кишиларнинг кўзларидаги ҳайрат, ҳар бир сўзни англаб етиш учун вужудни қулоққа айлантираётганларини кўриб, ҳис қилиб, ва юракдан берилиб чалинаётган қарсақлардан бу кўҳна

дунёнинг ҳамма мамлакатларида ҳам шеърни кадрлайдиганлар, севадиганлар борлигига амин бўлдим».

Мен Фарзонанинг шеърларини ўқиган факатгина инглиз эмас, балки у хох хитой ё япон, хох форс ё турк, хох ўзбек ё озарбайжон бўлсин, айти бирминҳемлик киши ёзганига ўхшаши мисраларни тузишига ишончим комил.

Аслида биз ҳикоя қилган сафар Фарзонанинг Буюк Британияга биринчи сафари эмас. Уни инглизлар, Англияда яшаётган форслар тез-тез Лондонга таклиф этиб туришади. Лондонликлар ҳаргал Фарзонани кутиб олишаётганда ўз кизлари, сингиллари, шоираларини кутиб олаётгандай пешвоз олишади. «Фарзонанинг шеърлари мени гўзаллик, фалсафа, хайрат оламига бошлайди. Унинг ўзидан шеър эшитиш мен учун ҳам, лондонлик жуда кўплаб танишларим учун ҳам байрамга айланиб кетади», деганди асли эронлик, ҳозирда Оврупада яшаётган журналист Меҳди. Ана шу зукко инсон, шоиртаъб Меҳди биринчи марта Хужандга келганида ёш болалардай хаяжонга тушганини кўрганман. У тезроқ Фарзона билан учрашиш, форслар учун севимли шоирга айланган ижодкорни кўриш иштиёкида ёнади.

Мен эса ўзбекларни айтмайин, инглизлар, форслар, турклар ва бошқа канча халқларнинг севимли шоиралари Фарзонанинг факат тожик халқи эмас, жаҳондаги не-не халқлар фарзандига айланиб қолгани ҳақида ўйлаганимда, унинг ўзи гоятда эҳтиром қиладиган, жаҳоннинг энг кучли шоирларидан бири деб санайдиган Мавлоно Жалолиддин Румийни эслайман.

Мавлонога бағишланган халқаро тадбирлардан бирида форс киши сўз олиб, Жалолиддин Румий форслигини айтиб, буни исботлашга уринади. Ундан кейин сўз олган араб Мавлононинг араб эканлигини айтиб, ўзининг далилларини келтиради. Навбатдаги нотик – турк Румийнинг турк эканлигини исботлашга тушиб кетади...

Мавлоно шеърятидаги умумбашарий гоялар ва фалсафа бир томондан, иккинчи томондан ўта кучли бадиият ҳар бир ўқувчини ўз таъсирига олади. Тилидан, миллатидан қатъий назар ҳар бир шеърхонни! Мана шунинг учун ҳам форс-тожик шеърятининг энг кучли вакилларида бири жаҳон шоирига айланган.

Мен мислсиз истеъдод эгаси, Аллоҳнинг ўзи ярлакаган Фарзонани ҳам аллақачонлар тожик шеърятини доирасидан чиқиб, жаҳоний бир ижодкорга айланганидан фахрланаман. Фахрланиш не, унинг ҳар бир ютуғидан ўз ютуғим каби қувонаман, шоиранинг ҳаётидаги ҳар бир яхши янгиликдан бу менинг ҳаётимда содир бўлаётгандайин севинаман. Бунинг асосий боисларидан бири эса, менинг у билан бир даргоҳда катор йиллар бирга ишлаганимдир.

Не-не шоирлар орзу қиладиган катта давраларга қорланадиган, беш юз, минг киши, ундан ортиқ инсонни ўз шеъри оламига бошлаб кета оладиган Фарзонанинг фақат улуг инсонларга ҳос бўладиган камтарлик хислати ҳақида алоҳида мақолалар ёзса бўлади.

Бунга бир неча йил бўлди. Адрасмон шаҳарчасидаги ўзбек мактаблари ўқувчилари Фарзона ва Озарахш билан учрашув уюштиришни сўрашди. Адрасмон Хужанддан етмиш чақирим нарида, устига йўл ҳар қадамда ўнқир-чўнқир. Учрашувни эса, ўзбек мактабида ўтказиш мўлжалланган. Мен битта-иккита китоби чиқиб-чикмай, босар-тусарини билмай қолган, иззатталаб, кичик шеърини давраларни писанд қилмайдиган шоирларни биламан. Уларнинг тоғ қўйнидаги қайси бир мактабдаги учрашувни эшитиб, энсалари қотганини ҳам кўрганман. Лекин бизнинг Фарзона ҳеч қачон иззатталаблар тоифасидан бўлган эмас ва у тоифадагиларни тушунмайди ҳам.

Хуллас, Озарахш ва Фарзонага ҳамроҳлар — шоир Шариф Нуриддин, олима, шоира ва адиба Мунаввара Абдурахим, олима ва шоира Феруза Абдувосид, хушхон ҳофиз ва шоир Аҳмаджон

Ҳамрози (Очилбоев) билан биргаликда камина ҳам Адрасмон томон йўлга тушдик.

Мен шу пайтгача ўша учрашувни унутмайман. Мактабга бутун Адрасмон кўчиб келгандек туюлди менга. Фарзона шеър ўқиганда, сўзлаганда, факат тожиклар эмас, ўзбеклар – ўқитувчилар, ўқувчилар, шаҳарчада яшайдиган турли касб эгалари берилиб тинглаётганларини кўрдим. Бир соатга мўлжалланган учрашув тўрт соатга чўзилди. Учрашув ташкилотчилари икки истеъдодли шоирнинг вақтларини олмаслик учун хижолат бўлиб ўтиришарди. Лекин на бу ташкилотчиларнинг ўзлари, на Озарахш ва Фарзонанинг оддий мухлислари учрашув тугагини исташмасди.

Озарахш берилиб шеър ўқиди, қўшиқ куйлади. Фарзона жаҳондаги энг зукко шеърхонлар, адабиёт мухлислари ўнгида турган каби завқу шавққа тўлиб шеър ўқиди. Ўқувчилар тожик ва ўзбек тилларида ҳар икки ижодкорнинг шеърларини ёддан ўқидилар.

Мен қизалоклар, болалар юз-кўзида ажиб бир масрурлик, ҳеч қачон такрорланмайдиган байрам кайфияти кўрдим.

Энг кизиги, учрашувдан сўнг бинодан ташқарига чиққанимизда бўлди. Мактаб ховлиси Фарзонани кўриш, унинг шеърларини эшитиш иштиёкида бўлган юзлаб одамга тўла эди. Ёши улуглар, йигит-қизлар, болалар... Учрашув толорига сигмай қолган мухлислар!

Адрасмон шаҳарчаси жамоати раиси эса, ийманибгина бир таклиф билдирди: «Биз Фарзона билан ҳар ой бир марта шундай учрашув бўлишини истар эдик!»

Мен чин юракдан айтилган бу истакнинг, адрасмонлик мухлисларнинг Фарзона билан учрашув сира тугамаслигини истаётганларини буюк шоира, унинг шеърлятига нисбатан бекиёс меҳру муҳаббат, деб тушундим.

Мен ўзини ижодиётга алоқадор деб ҳисоблайдиган айрим инсонларнинг, ҳали битта тузукрок китоби чиқмасданок, ёзган шеърларини бирон шеърхон ед олиши нари турсин, охиригача ўқий олмайдиган ижодкорларнинг тезда мукофот олиш, шуҳрат орттириш пайига тушиб қолишларини биламан. Буни бошқалар ҳам билишади. Лекин Фарзонанинг ҳеч қачон мукофот олиш илинжида бўлганлигини билмайман. Унинг ўзи шеърхонлар билан бўлиб ўтган учрашувлардан бирида айтганидек, шоира учун эрта тонгда гул баргида шудринг кўриш, гул гунчасининг очилаётганига гувоҳ бўлиш, қуёш нурининг оламни ёритиш учун таралаётганини кузатиш, шеърни тушуниб, ҳис қилиб эшитаётган инсонлар билан учрашиш мукофотдир. Унинг учун шеър қадрига етадиган, чинакам шеър нималигини биладиган, тушунадиган, ҳис қиладиган инсонлар қўлдан қўймай ўқийдиган шеър яралишининг ўзи катта мукофотдир.

Чорак асрдан ошди, мен Фарзонанинг дастлабки шеърий тўпламини авайлаб асраб келаман. Унга шоиранинг ўта самимий дил сўзлари – дастхат битилгани мен учун янада қадрлироқдир. «Навнихолони боғи адаб» туркумида нашр этилган китоб «Гулҳои наврўз» деб аталади. 1987 йилда «Адиб» нашриётида босилган бир мукова остидаги китобга тўрт нафар ёш, умидли шоиранинг шеърий тўпламлари киритилган эди. Фарзонанинг тўплами «Тулўи хандарез» деб номланганди. Бу тўпламга шоиранинг устози, истеъдодли тожик шоири Лоик Шерали мухтасар сўзбоши ёзган. Мазкур сўзбошида буюк шоир истеъдодли шоғирдининг икки мисра шеърини келтирган:

**«Дини ман оташпарастӣ не,
Дини ман одампарастӣ бод!»**

яъни,

**Менинг диним оташпарастлик эмас,
Менинг диним одампарастлик эрур!**

Лойик Шерали Фарзонанинг айнан шу икки мисрасини танлаб олиши ҳам бежиз эмас. Ноёб истеъдод соҳиби булган синчков устод истеъдодли шогирдининг кўп вақт ўтмай айнан одам-парастлиги боис жаҳон шеърятидан ўз ўрнини топа олишини сеза олганди. Шундай эмасми?

Ўринбой УСМОН

Мани ичдан еб-еб, ғамларимдир аждаҳо,
Элтди оина суви мисли гирдоби бало.

Қафаси қиса-қиса кичкинагина қилгач,
Кўксимдаги қуёшни тимсоҳ айламиш яғмо.

Дарега, собиқ дўстлик озори сидқи боис
Энди совуқ гурбатман ва танҳолардан танҳо.

Тажалли бобида юз оина рашки эрдим,
Шафқати йўқ яшил қўл артиб ташлади аммо.

Омонатга нақдини бермиш ўшал азизим,
Қайтариб олмоғида, билмадим, нечук маъно?

Фурқатинг шоми шами чаку чак бўғзи қони,
Кетмиш яна товонинг бўсасига, ажабо.

Пешвозига боғлар шай, келаётир баҳор, кел,
Барг томири уриши ўзгача бекарор, кел.

Осмон тушиб булоққа ювди яланғоч тани,
Хотирим ёдинг учун эрур оинадор, кел.

Хафсаласиз тирноққа бунчалар ҳам бўёк ўч,
Хиноли тонг тирноғи ажойиб жилвакор, кел.

Кетдингу демадинг, дўст, недур қаҳрга боис,
Кел, яна дардлашишга баҳоналар қатор, кел.

Ваҳший кўзларинг Мажнун муждасини келтирмиш,
Қошларинг камонида агар шавки шикор, кел.

Эй ишқ келгилу кел, янги куйимни ёд эт,
Аввалги нағмалар ҳам кўнгилда интизор, кел.

Ўзни ўлдириш осон, кашфидадир қийинлар,
Йўл очиш шарт, серчигил бўлса ҳамки ажинлар.

Заминийлар ичида гарчи осмонийман,
Осмонийлар аро лек эрурман заминлар.

Замирий гўзаллик топ, баски ҳеч пайдо эмас
Зеболар салонида зоти пок нозанинлар.

Беҳуда суруру базм, ҳамда ўтсиз бу назм
Охир-оқибат мани айлагай чиллашинлар,

Гултувакдан келмагай мушки анбар хабари,
Хотир қори остида айёми ёсаминлар.

Суратлар ўртасида хандаси шакар чехра
Нозланади боғу боғ, ошноси ширинлар.

Эй юзлари беюлдуз, сандан ҳусн излайман,
Яхши кўриш касб этган кўзларимга таҳсинлар.

Бергил яна башорат, гарчи ўтибдир фурсат,
Семизу пучдир энди бир дунё ул майинлар.

Ўзи эзилиб, лекин лоласи эзилмапти,
Лолазор ҳаёлидан дил тушади ўйинлар.

Дилим қон, дилим қон, бус-бутун, Худоё,
Мадад қил, холимдир кўп забун, Худоё.

Тескари дўппидай фалакни кўрарман,
Кўз тўсар губорми ё тутун, Худоё?

Мен эмас боргувчи номатлуб йўл ила,
Элтади қилиблар ким афсун, Худоё.

Шу сўнгги ғунчамга бахш айла кушойиш,
Фаслдир шодмон ва гулгун, Худоё.

Шундай бир холдаман, оинахонадан
Кошкийди айласанг зуд қувғин, Худоё.

Тонг эрсам, қўй, нурли тиг била бошлайин
Кечанинг кўксида шабихун, Худоё.

Қўй, қанот чиқарсин кўзларим шодликдан,
Дийдор бу, дилдорим ҳумоюн, Худоё.

Юз қабо ила ҳам бу олам урғандир,
Ман қандай бўлай, айт, сан учун, Худоё?

Юр кўшилиб кетайлик, кенгликлар беинтихо,
Кўёш кўшкию сахро мушкига бўлайлик жо.

Тунни қонига қорсин, хуршед ғариб ғоримда,
Ман оддийни фатҳ айла, ҳаммадан ҳам эй аъло.

Охурбин назарларда кечадирман, бугунман,
Охирбин назарларда эрта, индинман аммо.

Барча кибр ажзимдан, икрорим инкордандир,
Яъни ниёзим узра парда эрур истиғно.

Эл бирла киришмайдур, ўз бирла чиқишмайдур
Бул жавҳари йўқ қолиб ҳам қолиби йўқ маъно.

Эй ишқ, қитъакашфим, еттинчи иқлимнингман,
Келу кел, мени кашф эт, осмонимга бер жило.

Келмиш қутламок учун тонг сизларни, эй хушёрлар,
Қолмиши санокли сахар, эй гафлати бедорлар.

Субҳи содикдан югургай юз кизариб офтоб,
Шўх болалигимиз гўё ошиб юрар деворлар.

Аслим ўз холича нixon, юрак қилиб бирор ким
Чегарани бузмадию узилмади симхорлар.

Хубобий бу заифлардир пар-пар қўнибон қилур
Факат ўзларини тасдик, ўзгаларни инкорлар.

Дедим ҳосидга, эй тоғлигу лек зигир замири,
Чўкки бўлу сўнг қуёшдан топавер эътиборлар.

Юз йиллик жандаси била ҳамон тирик, ҳасрато,
Оч-яланғоч эсиз ёшлик, кўмак пулига зорлар.

Эй эрталарнинг ижодкор насли, рустамлик зарур,
Бугунингги айламиш кўр кўчалару бозорлар.

Яратувчи ғайб пайкини эшитсайди қулогинг,
Бўлмагай эрди иш тушиб борганинг соҳибкорлар.

Эй дўст, башар ёдига ёр айла яна ишқни
Йўкса ранг остида жавҳар бўлгуси хору зорлар.

Эй ёшлик гуноҳзорида борлигидир савоблар,
Не учун тавбалар, айни фурсати истигфорлар.

Бехуда бой берибман ёшлик ғаниматини,
Кутарман армон ёри висоли давлатини.

Хар кадамда офтоб мункир булут тошига,
Ерларга урар дунё осмон рағбатини.

Мухри савсан эй баҳор, васлимиз эди маҳкам,
Қандайин олай сандан ногоҳлик хужжатини?

Санокли сафха қолмиш умрим календариди,
Хазон шивири бузмиш оина роҳатини.

Тириклигу тўфони гар чеккадан тамошо,
Бармоғим нечук сезгай ҳаёт хароратини?

Осмон силтамиш қўл хокийлар гурубига,
Қўзлари кўрмагандир меҳрнинг қудратини.

Қизману олма гули, Наврўз қуёши, сенга
Йўллайман аргувоний, қутлуг баҳор хатини.

Эй шеър, яна қолғил, эй қайта ҳаёт савти,
Бир сен тирик тутувчи ниҳон нур тальатини.

Дил-дилимдан қутлагайман, эй янги йил, шод сани,
Кетарману ҳузуримдан айлагум озод сани.

Билмадим, пинҳон экан дўст химматида хикмати,
Қисматимга йўлламиш қилмоқ учун обод сани.

Единг тепкилар ҳаводис пойидан, адашган дил,
Шукур килу шукурлар қил, айламиш иршод сани.

Сен учун пайдою пинҳон панжараларни очмиш,
Ҳамма унутиб, биргина у айламиш ёд сани.

Шеър ўзининг зебо кетиш ҳам келишлари бирла
Йўл-йўлакай қилди барбоду неча обод сани.

Парда ўзинг, роз ўзинг, эй хабиб,
Парда кетса боз ўзинг, эй хабиб.

Номингни олдимۇ кетдим ҳаволаб,
Бергувчи парвоз ўзинг, эй хабиб.

Ишқ ўзингу ишқ ўзингу ишқ ўзинг,
Ўзинг жаҳонсоз, ўзинг, эй хабиб.

Оинаман, оинаман, оина,
Оинапардоз ўзинг, эй хабиб.

Қулогимни кеча қаҳри қулфламиш,
Очувчи овоз ўзинг, эй хабиб.

Тўлмиш кўзларим косаси сув била,
Дами тез устоз ўзинг, эй хабиб.

Кузу қишдан ортиқ эмас бошқалар,
Баҳор ўзинг, ёз ўзинг, эй хабиб,

Нажотим учун садойингни юбор,
Жазбаи одамрабойингни юбор.

Оч бечирок адашганлар йўлини,
Юлдузу лек мисли ойингни юбор.

Ариқдирман таяммумим учундир
Марҳамат қил, гарди пойингни юбор.

Эй нигоҳи хушхабар тонгдан ўшал
Мактубинг—мушкулкушойингни юбор.

Бу гуноҳ таркибига қил марҳамат,
Раҳмати беинтаҳойингни юбор.

Ишқ дедим, ерда балчикка ботиб,
Осмоний ул сафойингни юбор.

Арши аълода агар сан бесўрок,
Ул саволи бебаҳойингни юбор.

Булбул хижратидан сўнг гул нози жони кимнинг,
Булбул тили кесилмиш, савсан забони кимнинг?

Тўққиз қават кўк бузмиш фарёдларим садоси,
Ошнога ошно ул ошёни кимнинг?

Анжуман ёқувчи шам, Наврўз қуёши хуррам
Нозу адоси кимнинг, нурли жаҳони кимнинг?

Келур жомлар жаранги юқори хонақоҳдан,
Қуёш жомида лим-лим оби ҳайвони кимнинг?

Минг бир макрли гардун, бунчалар гўллик нечун,
Ўқлари жонга жафо қоши камони кимнинг?

Эй қудсий ошиёнли, бизга лутфлар айла,
Тўққиз фалакка кўзгу тароқ нишони кимнинг?

Шом эрур шеърий мактуб, ҳар сўзи юлдуз маҳбуб,
Ох, бу тарона кимдан, бу қуй равони кимнинг?

Дилимдир чоркитоби ишқнинг,
Боду ўт, хок, хубоби ишқнинг.

Арший дилим рутбаси эрур
Ою офтоб, саҳоби ишқнинг.

Дил севги тағ-тағигача, боз
Йўл-йўлакай қимоби ишқнинг.

Ўлиб, яна ўлгандан батар,
Истаги боз азоби ишқнинг.

Олий мақомидан нозланур,
Бонуси у жаноби ишқнинг.

Неки унга ғайбдан келмиш,
Савол эмас, хитоби ишқнинг.

Нечук экан ишқнинг тўлови,
Ишқдур фақат жавоби ишқнинг.

Шамсинг жахонга нурлар таратибдир, эй дўст,
Ўтли майини дилим ҳам татибдир, эй дўст.

Бу қароргоҳда сандай ягонани Худойим
Мани суюнтиришга яратибдир, эй дўст.

Эй ишқ ягонаси, улуг сенинг дилингни
Қай кўнгил эъзозига қаратибдир, эй дўст?

Кўзларингга тасанно, ғойиб кўзгуси бирла
Ман қандай бўлсам шундай кўрсатибдир, эй дўст.

Гулув эмасдир, нажот тонги хорғинларининг
Манглай ажинлари нур таратибдир, эй дўст.

Муборақисмлию хумоюннафасдирсан,
Юракларни оҳангинг ўйнатибдир, эй дўст.

Махдинг* учун очиб сўз, мадҳингдан боғладим лаб,
Қасидамас де, ғазал яратибдир, эй дўст.

*рахнамолик, тахт

Сахар, айт, нечун бунча кизарибдир кулогинг,
Толенигми, офтоб ила тўлмиш кучогинг?

Баҳор чечакларининг кулгусини улашган
Гулзор кўчалар сайри чоғида чоғ димогинг.

Хаёт соқийси тутар бода лим-лим пиёла,
Кўлингдаю лек афсус эмасдир хўл томогинг.

Ёрга айтгил, билурман, хавас жўшган кўнгилда
Нечук яна орзулар эъзоз ила ардогинг.

Йигладингу йигладинг минг булутча, эй дилим.
Кўкси тошига мушкул лек асорат қилмогинг.

Захмдор дилга бу дам қайдан топайин малҳам,
Шунчалар ҳам золимми, эй жафокор, пичогинг?

Дил, сохибим деб уни жуда ҳам хато қилдинг,
Энди вазифасидан зарурдир бўшатмогинг.

Қасамки унутарман уни енгилу осон,
Не ҳам қилай, эй кўнгил, бўлмаса гар кулогинг.

Гардун бердию сенга яхшилик фурсатини,
Энди фурсат ҳисоби қаратмиш диққатини.

Эй умр, офаринлар, ўткинчи тун-қунигга
Бермиш яхшилик мухри абад ижозатини.

Эй элтишинг не ҳожат дўстнинг мазорига гул,
Хуш эрур умр они келса зиёратингга.

Ростларда кўринг дўстлик эъзозини, тасанно
Дўст йўли узра дилни қўйиш шижоатингга.

Аршдай аён замири тиниқ дарёлар биля
Яширма, хос фошлиқдир қадим қаробатингга.

Вақт кавуши остида ноаён яхши сўзни
Юқорига ўтказдинг, офарин хурматингга.

Кеча мағрур суворий бугун агар пиёда,
Тиканларга гул элтдинг, қойилман ҳимматингга.

Қудсий қуш чекар нола нечун қафас ортида,
Беғуборлик айласин жиҳодлар зулматингга.

Одам оз, булар бари одамчалардир, холос,
Одам рутбаси эрмас эваз ориятингга.

Йўқ одам мақомидан мартаба улугроқ ҳеч,
Офарин, у агарда муяссар қисматингга.

Айём шамоли тўкмиш календар баргларини,
Хазон бегона бўлсин бахорий давлатингга.

Дунё, унинг ахлини кечир ўзинг, эй улуғ,
Бемалоллик агар хос меҳру мурувватингга.

Етиб баҳор аввали, қиш фаслига поёндир,
Қордан сўз очма, гуллар бу дам атргардондир.

Офтоби зардуштий горидаи чиқиб, гўё
Берк эшик чиллашини майдон сари равондир.

Эй рухоний хабибим, азиз чехранг шунчалар
Тажалли айламишу кўздан ўзи ниҳондир.

Осмон етти рангли атлас ила ясанмиш,
Қўрдим, юз каболи қалб ўздан кетиб урёндир.

Ким у танҳо мени ҳеч тарк айламаган ҳажри,
Дил учун бокий оҳанг, саодатимга жондир?

Гайбий нуринг кетса гар, яхшилигинг ёмону
Келса ул нурлар хури хира ҳам дурахшондир.

Маст дилим кокар тақ-тақ фалак дарвозасини,
Ёқалашмоғи юлдуз, ойлар ила аёндир.

Ўзин изладим бисёр мажозу асл ичра,
Ким агар Ҳақни топса, у ҳақиқий инсондир.

Хушхабаринг келгунча, эй ишқдан ҳам гўзалроқ,
Тонгин кўмсаган кўнгил фақат субҳагардондир*

*тасбех

Бог мутриби муножотида хазонни куйлагай,
Булбул савти боаётган корвонни куйлагай.

Қовоғин уйиб булут ҳам йиғирмоқда зарин ин,
Ипак торлар ўткинчи умри равонни куйлагай.

Васл пайкисиз, ўчир телефон жирингини,
Ҳажр мутриби ишки жовидонни куйлагай.

Онам оворадир гуллар лугати ҳаёлида,
Ўтмиш гул мавсуми, нечук у бўстонни куйлагай.

Кексалиги гулга бойроқ ману санинг ёшликдан,
Дилдаги ёш юз орзун ва армонни куйлагай.

Рухни бардам тутмоқ зарур дўст қадами етгунча,
У жон хабар бермай келур ва бу жонни куйлагай.

Жисмим хокни куйлагунча чиқиб гардун токига,
Дилим ишқ намози учундир азонни куйлагай.

Нурларингдур жаҳонимга етадию етмайди,
Бу ҳарами нихонимга етадию етмайди.

Жўшган кўнгил иоласию хомуш дил ҳаволаси
Сен олис осмонимга етадию етмайди.

Сенинг нафасу мақоминг, мактубингу саломинг
Най ушбу устихонимга етадию етмайди.

Жалаю дўл жабри ила дил паришон япроқдир,
Исо меҳри танг онимга етадию етмайди.

Кар қулоққа қолмиш ишим, эшик қок, эй сурушим*
Так-такинг ушбу жонимга етадию етмайди.

Шеър ваҳийнафас экан, ҳуш бўйи ҳавас экан,
Ростлар қосиди ёнимга етадию етмайди.

Етадию етмайди бу номам сенинг номингга,
Ҳарфи йўқ хатинг номимга етадию етмайди.

*сур садоси, тўй, хурсандчилик.

Тунлар гёзал висолини тасаввур айлаб фирок,
Хаёлий бўсалар ила куйдиради лаб фирок.

Сенсиз шабнамимдир мутлақ зулматда завол топгай,
Мени шуълазор айласин, кел, сенинг кавкаб, фирок.

Беқарор кеча сезадир томирим ҳар зарбини,
Кўтарур юкори, ажаб, симобни ўртаб фирок.

Фирок кечаси завкини беролмас висол тонги,
Висол майидан ўткирроқ тутса гар машраб фирок.

Васл таманноси эмасдир фирокдан муддао,
Истагим ишқ камолидир, мен учун матлаб фирок.

Номини тилга олдимۇ ишқ тугуни ечилди,
Тунни тонгга улаш учун тилдадир ё Раб, фирок.

²избу йўллар турли- туман агар ушбу оламда,
Одамдан қадим меросдир ман учун мазҳаб— фирок.

Ҳам кўз ёши тўқарману ҳам хандалар отарман,
Чунки чалаётир сўнгги қўнгирок мактаб- фирок.

Агар юз бор ёзибман таъзиянома ишққа,
 Ҳаммасини қабул эт тавсиянома ишққа.

Айламиш руҳим фалаж дарди бирла ҳолати,
 Дедим бошқа ёзмасман ҳаргиз чакома ишққа.

Аммо нетай, ўшал дўст, ўшал борлигидир ишқ,
 Бермиш эса ёз дея азалдан хома ишққа.

Ўлик иймон топиб жон, ҳок ичра ҳам баҳорда
 Олкиш ўқир, эғнида ям-яшил жома, ишққа.

Нечун васлни излаш, борма ул талхкома,
 Ҳажримни қабул айла сен шахдкома ишққа.

Дилим ол китобини кўксимнинг токидан ол,
 Тафсири ила унда битилмиш нома ишққа.

Қизил китобни ёну энди яшилини оч,
 Шеъримни бил мисоли бир акснома ишққа.

Ўтмиш ман дейиш даври, нечун бунча ноз, эй дил,
Нозбардор кимнинг бор, ўзни бос бир оз, эй дил.

Хукмим хато, нозингга топсанг бир харидорни,
Бошқаларга бўлмагай рағбату ниёз, эй дил.

Ишқдан бошқа ҳамиша ким экан сенга содик,
Бошқа кимда бор экан бундай имтиёз, эй дил?

Асллардан аслрок бир ўзингсан, кел, эй ишқ,
Муборак бўлсин сенга ишқи бемажоз, эй дил.

Замон янгиланган пайт, санам, бир янги сўз де,
Кўҳна бисотни айлаш нечун яна ғоз, эй дил?

Минг марталаб таяммум хар куни сурма бирла,
Куфр рамзин берур кўз, агар бенамоз, эй дил.

Ҳақиқатнинг йўлини агар танлаган бўлсанг,
Бор, боравер, бефарқдир Фарангу Хижоз, эй дил.

Умр бўйи ёздию ёзди сенинг харфингни,
Дил табиби арзийди тузса ҳам баёз, эй дил.

Чертилмаган тор экан гафлат гуломи қалби,
Жўр эмас ўшал тордан ҳам чиқар овоз, эй дил.

Майит совуқ суяги каби жонсиз сўзларга
Масехий нафас бирла жон берганинг соз, эй дил.

Шеър шукри, Худо ҳақи, ишқ учун уриб турсанг,
Қуш қанот қокқан каби, шу ўзи парвоз, эй дил.

Фанодан то бақога менинг гузарим йўқдир,
Эй ломакон, йўлсизман, санга сафарим йўқдир.

Делим шиквалар айлаб мандан хабар олмайсан.
Ҳақиқат эса ушбу-- ўздан хабарим йўқдир.

Уй ортидаги бежўш арик эрурман бўм-бўш,
Янги ўзаним йўқдир, жонбахш куйларим йўқдир.

Йўлларда йиқилдим хўп, қисмат чалишлари кўп,
Кўзларим улуг гарчанд, улуг назарим йўқдир.

Эй жони жафодийда, озодлигинг муборак,
Сабр илмида, афсус, сандай ҳунарим йўқдир.

Заррадай дил не истар чеки йўқ бу жаҳондин,
Хулқи малагим йўқдир, феъли башарим йўқдир.

Чиркин кўчалар бирла қайга ҳам етиб бўлгай,
Афсус парим йўқдир, афсус парим йўқдир.

Айтинг, кайтиб келсин куёш томимга,
Тонг бўйи тиглари етсин шомимга.

Салом эй ишк, тасанно, эй мухаббат,
Бонс ўзинг олқишу саломимга.

Чўккимга чиқмади мард бирор сайёх,
Юрак қилмади бу баланд номимга.

Хаёт қозони пиширди ҳаммани,
Таъсири етмади лекин хомимга.

Шаҳар элтиди мени девона айлаб,
Тамошолар учун издиҳомимга.

Севги тилсимини истайди кўнгил,
Ким келтириб қўюр уни домимга.

Шабкўр каби кўрмасман ҳеч нарсани,
Хатто ойни бағишласанг шомимга.

Мард агарсан, етказ менинг ўрнимдан
Ўлик дилни ўзинг интиқомимга.

Бирдур еру осмонимиз, сўрма ман қайси маъводан,
Тан ила сандай заминман, жон ила эрса самодан.

Ол хирад дарсини мандан агар бодахўр риндирсан,
Сўфи бўлсанг агар, ибрат сабоғини ол порсодан.

Аста борурман, йўлдошим бири чолу бири бола,
Будир хавас кули ақл, удир рух арши аълодан.

Ўтиб кетмиш баҳориму ўтгай фасли хазоним ҳам,
Йўловчилар башорати ушбу эрур-- бебақоман.

Қони қўшилмайди деса нокас мени, не ҳам дейин,
У беҳабар ориёий конимдаги хур наводан.

Чўғи йўқ ушбу куллардан умидим хануз ҳам гулхан,
Хайфи ширин орзуларим, икки қаноти тиллодан

Фаришта ҳам танг мандан узоқ жунунлигимдан,
Шаҳар тугёнда менинг гарки суқунлигимдан.

Учқун маҳруми мулло томиримни тутдию
Иситмага гирифтор совук учунлигимдан.

Шубҳа-гумон остида қолмиш аёллигим ҳам,
Ҳам нодилбар, ҳам содда, ҳам бефусунлигимдан.

Ҳақир бир вужудману бир мунир жавҳардирман,
Сўрманг ярим улуглик, ярим забунлигимдан.

Бир китобга сўзбоши ёздим, эй йўлтўсарлар,
Кулингизу кулингиз бу раҳнамунигимдан.

Ман қўшув ман баробар иксандир иборат,
Хирадир юз хирадманд бу зуфунунлигимдан.

Эй азиз келажак, кел, кафингга ол дилимни.
Шодланай, сенга йўлдош бўлиб бугунлигимдан.

Нихон ганжим эй асл эгаси, оч дил қулфин,
Лол қолсинлар давлати бундай бутунлигимдан.

Иккинчи марта дунёга салом дейман,
Офтоб бирла дарёга салом дейман.

Баҳор кизил китобидай дилим пешкаш,
Гули муҳрли минога салом дейман.

Баҳордан кўра баҳоррок қиш чилласи,
Гунча-гунча таманнога салом дейман.

Хануз шаффоф нигоҳинг ҳурмати учун
Тиниқ тонглада жилога салом дейман.

Пастликликларнинг губорини қоқиб ташлаб,
Ул баланду мубаррога салом дейман.

Наҳс оққан кўзлар хайрини кутмасман,
Эзгуназар ошнога салом дейман.

Гайб йўлни боғлай олмас айб қўли,
Кўкдан кўмаги аълога, салом дейман.

Кабутардан сўра севги тафсирини,
Масжид ила калисога салом дейман.

Алиги икки юзта бир саломимга,
Лутфи олий Таъолога салом дейман.

Эй ишқ, ваҳий бақодан, қутлаб сени,
Хаёти беинтихога салом дейман.

Тасвирсиз дийдорингни қисматим қилмиш қалам,
Олис осмонда гарчи қўймасанг ҳам бир кадам.

Дилга қилдим насихат, оғир бўл, уйма қовок,
Таквимни қил эхтиром, эй равон дарё, мадам.

Кажрав агар хажравдир, фақат номидир янги,
Чикса яна харомдир қилса ҳам сайри Ҳарам.

Усти оқ ичи қора, девоналик даъвойинг,
Девоналарга билсанг, ёт эрур ёди дирам.

Хокийлардан изламанг халлоқиятни бекор,
Гарчи дилда ғужғондир юз минг орзу мухташам.

Тузук бўлдим, ё бузук, эй жонпанох табибим,
Янги пархез буюр, бас шуңчалар еганим ғам.

Бир куни ишк уйини ҳам ошиён килурман,
Хузурим ила ишкни ёш, навқирон килурман.

Кўз тутганингдан кўра бир кун баландрок бўлиб,
Ишқингни Арши аъло учун нарвон килурман.

Панжарадан нари ўт, уз аргувоний гулни,
Сўзни такрору такрор гар аргувон килурман.

Елдирман хар дақиқа хар томонга йўналган,
Хак хар нени буюрса, жоним қурбон, килурман.

Эй ломаконим, алик олгил бу саломимга,
Манзил нишонини бер, паём равон килурман.

Эй бўлиш баҳонаси, бор бўл доим, хар жойда,
Ҳаётим сарҳадида сани посбон килурман.

Жаҳон тўладир шаёгин, кетаман, бошқа келмасман,
Кузатур сураи Ёсин, кетаман, бошқа келмасман.

Гуллаб яшнамоқдин буткул кетаман силтаганча қўл,
Сабил қолсин мадҳу нафрин, кетаман, бошқа
келмасман.

Қадам қўйсам қайси томон, фалак тилсими фаровон,
Тайёр йўлдан урувчи жин, кетаман, бошқа келмасман.

Қанчалар қилмадим фарёд, етмади паёми Фарход,
Ухласа дурустдир Ширин, кетаман, бошқа келмасман.

Мину тонги шаробига, жаннат олмаси тобига
Йўллаб саломи оташин, кетаман, бошқа келмасман.

Бор бўлсин ул лахза ажиб, ман бу қафасни синдириб,
Дил тўла жом сўзи тагин, кетаман, бошқа келмасман.

Офтобга отиламан, шуъла шикор қиламан,
Энди шикваларни қўйиб, ўзни шукрзор қиламан.

Бориму келибу кетиш давоми, билмам, не экан,
Каму қўпларни санашни ҳам энди бекор қиламан.

Басдир бу ую эшикнинг қоматим камон этгани,
Юлдузлар даврида энди гапту гузор қиламан.

Шунча айбим ила яна гар хасадингга арзисам,
Сен била хилватни, ракиб, кел, ихтиёр қиламан.

Ишқ келма, келма, кел, ишқ, кетма, кетма, кет,
Келсанг нею келмасанг не, эй гўзал ёр, қиламан.

Киприк панжарасини оч, тингла сумандан аксалар,
Борурману нафас-нафас тонг нисор қиламан.

Эй таваллуд ҳамда завол, эй таназзул ҳамда камол,
Сени инкор қиламан, сени иқдор қиламан.

Жаҳонга қасамлар, ман ахир жаҳоннинг санинг,
Жонимга бунча тиглар чекма, ман жонинг санинг.

Юлдуз ёшига қасам, олма гули эрурман,
Кел, бағримга шабнамдай, ман ошённинг санинг.

Бегоналарга қанча меҳр нисор килурсан,
Нечун қаҳрингга ошно бу меҳрибоннинг санинг?

Ростим, ёмонлик они манга ўхшайсан жуда,
Мисли яхшилақ они ман қадрдонинг санинг.

Хокийлардан ёмонлик етса қачон, садо бер,
Фариштаман, йўллаган ўшал осмонинг санинг.

Гурубимда сўнгги нур асарисан агар, ман
Хазон айёми яшил сўнгги бир онинг санинг.

Фалсафадан кечиб қачон соддаликка қотиламан,
Гул байтини айтиб, қачон шаббодага сочиламан?

Тириклик тутибдир дариг ман учундир шодлигини,
Энди ғанимат ғамлари қабулига шошиламан.

Яшиллик бирла қопланиб, борлигим оина эди,
Зуд келса яшиллик қани, қучоғига отиламан.

Йўлим тугабдиру энди бисотимдадир ҳечу ҳеч,
Янги йўлдан борай десам, «Энди кеч»га қокиламан.

Эй дўст, айла ҳидоят шокиру зокиринг бўлай,
Энди сажжодани фақат ўпини учун мойиламан.

Ман ҳам ўшал роз эшиги, қулфу калиди ўзингсан,
Бошқа ҳамма учун ёниқ, фақат санга очиламан.

На ман кўнгил фикрида, на дил мани ўйлайди,
Ишқида най суягим на куяр, на куйлайди.

Агёра айт, кетдиму яна қайтиб келурман,
Гарчи изимни минг бор супиришин қўймайди.

Ишқ кетиб, хануз борман, ботил бу ҳақиқатдан
Шаҳодат бергувчи ким ва ким экан сўйлайди?

Минг йил ўқиб ўтмадинг ҳамон мукаддимамдан,
Бир нигоҳда эй қачон фотех кўзинг бўйлайди?

Лолагинам хануз ҳам қорли тепа остида,
Гарчи назаринг қишдай ҳаёсиз деб тўймайди.

Хануз борман, борлигим учун ажаб бордир,
Сен бор экан борлигим учун сабаб бордир.

Домидаману дарди охангида ўйнайман,
Эхтироминг учун, эй тириклик, тараб бордир.

Офтоб хузурига яна қилгумдир ружу,
Кеча қаърида имкон имонга қараб бордир.

Гуруб меваси ҳосил чўккининг соясида
Хануз хафсала термок учундир рутаб* бордир.

Совук сизинг мажлисга бошқа бора олмасман,
Совукларга айт узрим, манда чунки таб бордир.

Кел, кечанинг монанди кўзимга гузар айла,
Кўзим айтадиган сўз кўзингга қараб бордир.

Салом эй ишқ, ассалом, эй бугдойзор майсаси,
Ям-яшил аликингни Худодан талаб бордир.

• Хўл, намлик.

Қўш эшик аро ўшал танҳодан хабар топмадим,
Ўхшашингни бу оламда бирор нафар топмадим.

Кириш учун минг уриндим нixon қўнгил уйига,
Одамсиз орол йўлидан хануз асар топмадим.

Тўрт томона елибман авом рух ишғоли учун,
Ботил югур-югурдан бошқа бир самар топмадим.

Бу шаҳарда харидор ким экан форсий қандимга,
Ҳаққу рост, ширинимга бир шайдо назар топмадим.

Хок аралаш шакарнинг эй жазманлари; қайдасиз,
На шаҳар, балки айланиб ҳам баҳру бар топмадим.

Ману соатимнинг мили ҳамиша банд баҳс ила,
Уриндим, мусобақада афсус, зафар топмадим.

Ярқ этиб чиққаним йўқ, парпираб ҳам ботмагайман,
Ёнишу сўнишлардан хануз ҳам хабар топмадим.

Кўзи остига олишни энди излайин кимдан,
Сенинг кўзларинг мисоли волоназар топмадим.

Етти миллиард одам йўлдоши бўлибману лек,
Кўнгилга манзур бўлгудек бирор нафар топмадим.

Дамингдан туш, хавасни пойи пиёда кил,
Бу бахор сўнгги куни, завқни зиёда кил.

Рақиб шодланса агар энди йўл тамом деб,
Сан янги бўлу йўлнинг бошини ифода кил.

Шармандалиқдир, хануз ишқдан узокдаман,
Мардона бўлу химмат учун ирода кил.

Қирқ бора ювгилу юв қирқ ёшли кўзларни,
Чақалок нигоҳидай поку озода кил.

Шомда кўзлагунча Каъба, тонгга бурсанг-чи юз,
Яъни берк ул Ҳарамга сафар пиёда кил.

Эй дил, бу қафас таркини ихтиёр эт,
Кеча, ўтган кун шарҳини ҳам бекор эт.

Ифтихоринг бўшлигидан кўп хастаман,
Беҳуда бу касбу корни ихтисор эт.

Хома фароғат фикрини қилур нечун,
Бу ёлимдир, демам уни ихтиёр эт,

Кулганда баҳман гули, сен хазон эрдинг,
Энди гулнинг хазонини сан баҳор эт.

Яъни баҳорга бер иккинчи марта ўсл,
Кўхна, кадрдон дўстликни барқарор эт.

Оҳинг учун ёр жавоби қаҳаҳа гар,
Тиз чўкмаю ҳақоратингни виқор эт.

Ёдинг учун ёди агар ранжу озор,
Содик ёдингдандир уни ихтисор эт.

Чаман доғини ювибдир қор совуни,
Эй вақт совуни, руҳимни бегубор эт.

Келиб ишқи бу кўнгилни элтса яна,
Рози бўлма, минг баҳонани қатор эт.

Энг янги эй, энг кўхна эй, энг абадий,
Яна бир келу тавофи бу мазор эт.

Тонг ёқасига сочса атр қачон ёсуман,
Зумрад лагандаги шам сассизгина сув экан.

Осмондан ошиқиб тушар шабнам пардаси
Охоридан тез маҳрум бўлмасин учун чаман.

Гох кеча анҳориман, гох гавҳар гули лабда,
Хилват хайкириғию анжуман хомушиман.

Олиб кетар ёр зулфи кечанинг зулматига,
Тўққиз эшик қок, тутиб қуёшнинг қокилидан.

Жондан жона нуркашман қуёш қалами бирлан,
Печак гули эмасман ўралгани фақат тан.

Аччиғимни айтибсан, лекин беҳабардирсан,
Порсий қанди биландир лабларим шаккаршикан.

Сўз беради садолар: -Ишқ ёшарди, ёш энди,
Ишқ беради садолар: --Сўз эскидир тамоман.

Ойна девор бўлмиш, оинани кўтар, бас,
Жон ила жон қўшилсин бегувоҳу бесухан.

Раҳм килу бод, гулнинг кўйлагига урма қўл,
Наъра беҳуда чекиб, бурма йўлга бурма йўл.

Қўй енгил шўхлигингни, олиб кетар, билмассан,
Отма ўзни қутурган бу дарёга, хатар мўл.

Деб эдим бу борлигинг маъноси фақат йўқлик,
Қурук тухмат не учун, борлиқ мазмунидир «Бўл!»

Истайсан осмонлар қолса кафшинг остида,
Кафшинг ҳиммати баланд, пастликка ҳеч солма йўл.

Дил жомидир тўла қон, жомимга урмадинг жом,
Бошингга ур бошингни, ман мастдан йўлитбур сўл.

Қалбим кўзгуси нозик, синадир сал силашдан,
Раҳм килу урма қўл, урма қўлу урма қўл.

Шишани жавхар чекиб оина қил,
Вирдни жумъа шомида шамгина қил.

Кир кўнгилнинг дуржига гавҳарона,
Бўм-бўш қутимиз тўла ганжина қил.

Хандалар от баҳор тонгидай яшил,
Руху йўлни ям-яшил бир сийна қил.

Гох қадах олу қабо қил жомани,
Гохи танда хилъати пашмина қил.

Юз йил фаромушликдан сўнг келгилу
Ҳол сўрашингни яна бегина қил.

Кўз ёшим мухрини тумор этиб бор,
Ҳасад кўзи учун уни нина қил.

Ишк шахрига агар бормокчи бўлсанг,
Етти қат кўкни йўлингда зина қил.

Эй ишқ садоси, йўлимнинг давомин чарогон қил,
Фаришта айлағил мани, яъни одамижон қил.

Келгил оху кўзларимга, эй Мажнун набираси,
Оғушинга ол, бахтиёр мисоли биёбон қил.

Қаён борай, қандай бўлай халос жаҳолатимдан?
Олгил манию сийнанинг сандиғига ниҳон қил.

Кафтингда шабнамман тиник, қалтирайман,
титрайман,
Шаффоф ҳақиқатинг манга ошкор эт, аён қил.

Эй масиҳонафас, ҳолим сўрашга келар бўлсанг,
Қуёшнинг минг игнасини ёқанга қадрон қил,

Мандан яхшироқ билурсан тариқатни, эй азиз,
Раво кўрганинг не бўлса, ўзинг манга равон қил.

Қандингни ур, шакар олма, жоним ўзинг,
Бехишт боғидандир қирмизхоним ўзинг.

Шифт топмадим осишга сени муносиб,
Равшан қандилимсану рахшоним ўзинг.

Урушаману сан била ярашаман,
Ҳаммадан яхшисану ёмоним ўзинг.

Куйлайсану кўнмайсан оромга харгиз.
Эй дил, эй дилим, мангу омоним ўзинг.

Таралган улвий бўйинг масту маст айлар,
Олис бахордан муждарасоним ўзинг.

Сенсиз ҳам урмоқдадир шарманда дилим,
Эй ишқ, кечир, кечир, меҳрибоним ўзинг.

Эй дил, хануз ҳам ўйнайсан муножотга,
Ишқ учундир арзимас жаҳоним ўзинг.

Ман ўтиб кетарману коларсан, эй ишқ,
Яна-яна келгуси замоним ўзинг.

Қачон биз томон отсин таъна тошини душман,
Ўлдиради бизни дўст кучоғида гул билан.

Сал-пал бўлса ҳам синаб кўрдим ҳаёт макрини,
Мени хавотир қилган хайфсан эмас, аҳсан.

Мени таҳқир айлади нолаи заифона,
Мардона бўлу эй дил, тушмагил ор тахтидан.

Сўраб кўр ғафлатистон қавмидан тонг таъмини,
Урар шабистонларда қаҳқахани Ахриман.

Тонгги чоғ марямистон ва боғ шабнамистондир,
Тун рўмолин ечиб от, дарча оч, тонгдир равшан.

Тасбех ўгириб ёмғир, маржон санайди, маржон,
Тишларини қайрайди, вужуди ларзон- ларзон.

Гилга янги вузуни бермиш, гулга ёгдуни,
Ёмғир йиглабон хандон ҳамда кулибон гирён.

Ёмғир каби тупроққа бир кун кетиш қисматдир,
Келди менинг ёдимга ўшал нузулинг, инсон.

Бир нафас ичра шундай минг бир кеча кечибдир,
Бизинг афсонамиз ҳам энди топибдир поён.

Дардо, ўта олмас ишқ васлнинг синовидан,
Ҳаққо, ўтказар ишқни имтиҳонидан хижрон.

Кетармиз, Ҳақ ёмғири била чекар ҳасратда
Мармар лавҳалар узра учнукталарни армон...

Келгилу эй шеър, дилда зафар қил,
Худо кўзи ила манга назар қил.

Хонасидан кетдию дил қайтмади,
Хонасига бориб уни хабар қил.

Жаҳон ёмон хуйим боис сиркадир,
Ҳар нени ман нордон десам шакар қил.

Салом эй тириклик, эй аҳди йўқ ёр,
Асир бу дилни асирроқ батар қил.

Ягона муддао агар ишқ шаҳри,
Кўзларимга, кўзларимга сафар қил.

Журмим излама, у ҳусн рашкидир,
Қудсий оятни ёдингга самар қил.

Қўриқхона эрур бу менинг қалбим,
Ижозатнома ол мандан, гузар қил.

Кел эй шеър, Эртанинг ғолиб садоси,
Менинг ўлимим устидан зафар қил.

Гамларим қайди бўлмиш самар дили озодингга,
Офарин, беназирим, бул ажиб истеъдодингга.

Дилингга ишк губори бор эди, энди у ҳам йўк,
Борай тассалогам, ёки муборакбодингга?

Бу зиғирзамир кутди у тоғтешар химматини,
Ноасл Шириним фидо ноасл Фарҳодингга.

Неча йил бу тириклигимни савдога қўйибман,
Арзон эсарлигим эваздир бебаҳо ёдингга.

Нечук урарсан эй дилим, zeroки олам эли
Лоқайду бепарво эрур ободу барбодингга.

Эй дил, эй дил, инонмади изҳорингга бирор кас,
Офтобнинг муҳри лозимдир хати иршодингга.

Ҳануз билмассан бедардлик дардини, қандай экан,
Эй дил, эй қонли гулдоним, аҳсан табъи шодингга.

Нола кам қил, бок, не қилди нолиганларни фалак,
Кулмоқдалар қабрдаги мурдалар фарёдингга.

Кел, эй шеър, фаришта зулфи толасидай нажотга,
Исо ўзинг, осий ўзинг, садқаман имдодингга.

Тонг хурида бу кўзларим кўрадиру покдомонлик
Вале зулмат кеча келса, яна феълимда шайтонлик.

Йўқ эурсану кўурсан, кўрмагансану билурсан,
Кўйсак ҳам сал кингир кадам, шундандир бизда
хайронлик.

Нозик шабнамману лекин кеча комида қолмасман,
Фақат қуёшга лойиқдир томчи гар тоза, ризвонлик.

Қуёшсану ким билан нур сураларини ўқийсан,
Муждаларингга дарчам йўқ, шундандир
манда пушмонлик.

Очилишлар айёмида алданибман шамолларга,
Қуёшим, қайдасан, бул кун ёгинларда фаровонлик.

Агар нихон десам шул он кўрарман, бўлурсан пайдо,
Агар пайдо десам, ажаб, касбу коринг ноаёнлик.

Художон, кимгадир агар яхшилик қилсам яқинсан,
Олиссан, ажаб, зигирдай ўйлаган оним ёмонлик.

Эй дарё, уфklarга бош кўйиб гар колибсан,
Юзда юз ажин бирла тозаю тар колибсан.

Варогингда яркирар офтобнинг дастхати,
Хоку гилда имзонинг хўп мунаввар, колибсан.

Домани хўл бўлса ким, у ёмондир, сан эмас,
Бизинг қудсий Марямсан, тоза гавхар колибсан.

Қайгача бординг етиб, тўгри кетган, эй азиз,
Сан ҳам биздай томоқда тиқилиблар колибсан.

Кўрдик гавхар тубанда, баландлардан келар хас,
Адолатдан беҳабар мисли башар колибсан.

Нигоҳларим неча шом бордилар меҳмон бўлиб,
Дастурхонга кўйиблар ою ахтар колибсан.

Аналҳак Мансуридай лабларингда ҳамиша
Қиёматгача тилда Аллоҳ акбар, колибсан.

Кимсасиз орол янглиг дил хохиши хомушлик,
Фахрим пойинг ўпишга борур, эй фаромушлик.

Топа олсанг агарда танҳоликнинг таъмини,
Санга бермагай лаззат бошқа била огушлик.

Истамам фалак янглиг риё жомаси кийсам,
Бундай кийимдан афзал минг бора кафанпўшлик.

Ўттиз олти ёшда ҳам йиглар дилим-- ниннича,
Энди кеч, орзуларнинг баҳори хайру хушлик.

Вазминдир нозик дилга ўлган муҳаббат юки,
Қачон етадир унга бу вазифадан бўшлик?

Дедим таъқиқ олмаси таъмини тополмассан,
Шарбатлар дўконидан гар экансан улушлик.

Гардун туфайли бўлмиш олти жихат муҳаннас,
Энди кимдан кутармиз мардлигу сиёвушлик?

Гуноҳларим жуда бисёр, кечиргайми, кечирмас,
Тўқкиз фалак юкича бор, кечиргайми, кечирмас.

Шунча баҳорий гулудан бедор эмас, том уза
Қолиб кетмиш кечаги қор, кечиргайми, кечирмас?

Дегани билан ҳам кўнгил ҳар зарбида юз Аллоҳ,
Гоҳо йўлдошидир қуффор, кечиргайми, кечирмас?

Обу гилдан пайдо банда боғлик ҳолда талшину
Ушбу халқага гирифтор, кечиргайми, кечирмас?

Ман ибтидо ўйдаман, охираат фикрини бер,
Вужудим менинг орзузор, кечиргайми, кечирмас?

Муножотингни қуйлашни истайману бу кўнгил
Қуйларида ҳамон ул ёр, кечиргайми, кечирмас?

Бошдан кечиб икки аср сўзим қолмиш модалан,
Қаломимдур беҳаридор, кечиргайми, кечирмас?

Дилим қизил китобин оч, тўрт жилдининг барида
Фақат бир жумладир такрор, кечиргайми, кечирмас?

Куз ўтиб, етти иқлим ҳам кетди қиш уйқусига,
Фақат ушбу гунча бедор, кечиргайми, кечирмас?

ФАРИШТА

Шоираи маҳбуб Фарзонабонуга

Жудолик комига олмиш мисли чоҳ,
Алам ёшларига гарқу гарқ буткул.
Зор ҳолига бокиб оҳ чекасан, оҳ,
Окиб борар сувда гўё нозик гул.

Йўк каби ўлтирар гунгу лол, танҳо,
Нишони ягона—ёш тўла кўзи.
Вужуди куйиб кул бўлгану гўё,
Қолгани нуктадек юракнинг ўзи.

Суянчи, юпанчи, қувончи она,
Она эди унга муқаддас ватан.
Энди у беватан гариб, бегона,
Таскин учун сўзни топасиз қайдан?!

Қора булутларни ёрдию чақин,
Фалакдан бир малак тушди, во ажаб!
Оқ-оппоқ либосда, қараши майин,
Онаизорига кетарди ўхшаб.

Гуссани қувмоқнинг қасдидир улкан,
Бошини бағрига босди, ажабо.
Онаю болага хос забон билан
Неча сўзлар деди бесас, бесадо:

--Мени десанг, кизим, асра ўзингни,
Шоир эли учун тегишли экан.

Сен бор-ку, нечун тан олай ўлимни,
Энди ашъорингдир мен учун ватан.

Шоира бошини кўтарди вазмин,
Дард қайта бошлаган эди, офарин!

Январ, 2016.

Мундарижа

Темиртанин инсонга айлантирган шоира	3
Мани ичдан еб-еб, гамларимдир аждаҳо.....	9
Пешвозига боғлар шай, келаётир баҳор, кел.....	10
Ўзни ўлдириш осон, кашф этишда кийинлар.....	11
Дилим қон, дилим қон, бус-бутун, Худоё.....	12
Юр қўшилиб кетайлик, кенгликлар бордир нихон.....	13
Келмиш қутламоқ учун тонг сизларни, эй бедорлар...	14
Беҳуда бой берибман ёшлик ғаниматини.....	15
Дил-дилимдан қутлагайман, эй янги йил, шод сани...	16
Парда ўзинг, роз ўзинг, эй ҳабиб.....	17
Нажотим учун садойингни юбор.....	18
Булбул хижратидан сўнг гул нози жони кимнинг.....	19
Дилимдир чоркитоби ишқнинг.....	20
Шамсинг жаҳонга нурлар таратибдир, эй дўст.....	21
Саҳар, айт, нечун бунча кизарибдир қулогинг.....	22
Гардун бердию сенга яхшилик фурсатини.....	23
Етиб баҳор аввали, киш фаслига поёндир.....	25
Боғ мутриби муножотида ҳазонни куйлагай.....	26
Нурларингдур жаҳонимга етацио етмайди.....	27
Тунлар васли тасавури бирла гўзал зап фироқ.....	28
Агар юз бор ёзибман таъзиянома ишққа.....	29
Ўтмиш ман дейиш даври, нечун бунча ноз, эй дил.....	30
Фанодан то бақога менинг гузарим йўқдир.....	31
Айтгил қайтиб келсин қуёш тоғимга.....	32
Бирдур еру осмонимиз, сўрма ман қайси маъводан...	33
Фаришта ҳам танг мандан узоқ жунунлигимдан.....	34
Иккинчи марта дунёга салом дейман.....	35
Тасвирсиз дийдорингни қисматим қилмиш Ға	36
Бир қуни ишқ уйини ҳам ошиён Ўилурман.....	37
Жа'он тўладир шаётин, кетаман, бошқа келмасман...	38
Офтобга отиламан, нур шикор қиламан.....	39
Жаҳонга қасамлар, ман ахир жаҳонинг санинг.....	40

Фалсафадан кечиб қачон соддаликка қотиламан?.....	41
На ман кўнгил фикрида, на дил мани ўйлайди	42
Хануз, борман, борлигим, учун ажаб бордир.....	43
Икки эшик аро ул танходан хабар топмадим.....	44
Дамингдан тушгил, хавасни пойи пиеда кил.....	45
Эй дил, бу кафас таркини ихтиёр эт.....	46
Тонг ёқасига сочса атр қачон ёсуман.....	47
Раҳм килу бод, гулнинг кўйлагига урма кўл.....	48
Шишани жавҳар чекиб оина кил.....	49
Эй ишқ саси йўлимнинг давомин чарогон кил.....	50
Қандингни ур, шакар олма, жоним ўзинг.....	51
Қачон биз томон отсин таъна тошини душман.....	52
Тасбех ўгириб ёмгир, маржон санайди, маржон.....	53
Келгилу эй шеър, дилда зафар кил.....	54
Гамларим қайди бўлмиш самар дили озодингга.....	55
Тонг хурида бу кўзларим кўрадиру покдомонлик.....	56
Ох, уфқка, эй дарё, бош кўйиб гар қолибсан.....	57
Кимсасиз орол янглиг дил хохиши хомушлик.....	58
Гуноҳларим жуда бисёр, кечиргайми, кечирмас.....	59
Фаришта	60

Фарзона, Тоҷикистон Халқ шоираси. Ғазаллар.
Хужанд. 2016. 64 6.

Таржимон

Мухаррир

Терувчи ва безакчи

Шариф Нуриддин

Мунаввара Ойматова

Жамшид Нуриддинов

Бобожон Гафуров жумҳурият музейи.

